

“Сув хужалиги менежменти” фанидан маърузани ўқитиш технологияси

9-Мавзу: Сув хўжалиги ташкилотлари фаолиятини молиялаштириш

1.Маъруза машғулотининг ўқитиш технологияси

Вақти – 4 соат	Талабалар сони: 34-36 нафар
Ўқув машғулотининг шакли	Визуал маъруза
Маъруза машғулотининг режаси	<ol style="list-style-type: none"> 1. Сув хўжалиги ташкилотларида молиявий менежментнинг моҳияти ва аҳамияти. 2. Сув хўжалигини молиялаштиришнинг умумий тамойиллари. 3. Сув хўжалиги ташкилотларининг эксплуатацион фаолиятини молиялаштириш. 4. Сув хўжалиги қурилишини молиялаштириш. 5. Сув хўжалигининг асосий фондлари.
<p><i>Ўқув машғулотининг мақсади:</i> Сув хўжалиги ташкилотлари фаолиятини молиялаштириш тўғрисида билимларни ҳамда тўлиқ тасаввурни шакллантириш.</p>	
<p><i>Педагогик вазифалар:</i></p> <ul style="list-style-type: none"> - Сув хўжалиги ташкилотларида молиявий менежмент ва унинг мазмуни ва ўзига хос хусусиятларини тушунтириш; - Сув хўжалигини молиялаштиришнинг умумий тамойилларини тушунтириш; - Сув хўжалиги ташкилотларининг эксплуатацион фаолиятини молиялаштиришни тушунтириш; - Сув хўжалиги қурилишини молиялаштиришни тушунтириш; - Сув хўжалигининг асосий фондларини тушунтириш; 	<p><i>Ўқув фаолиятининг натижалари:</i></p> <p>Талаба:</p> <ul style="list-style-type: none"> - Сув хўжалиги ташкилотларида молиявий менежмент ва унинг мазмуни ва ўзига хос хусусиятларини изоҳлайди; - Сув хўжалигини молиялаштиришнинг умумий тамойилларини тушунтиради; - Сув хўжалиги ташкилотларининг эксплуатацион фаолиятини молиялаштиришни айтиб бера олади; - Сув хўжалиги қурилишини молиялаштиришни айтиб бера олади; - Сув хўжалигининг асосий фондларини айтиб бера олади;
Ўқитиш услуби ва техникаси	Визуал маъруза, блиц-сўров, баён қилиш.
Ўқитиш воситалари	Маърузалар матни, проектор, тарқатма материаллар, маркер, скотч, график органайзерлар.
Ўқитиш шакли	Жамоавий ишлаш. Гурухлар билан ишлаш.
Ўқитиш шарт-шароити	Проектор, компьютер билан жиҳозланган аудитория

Маъруза машғулотининг технологик картаси

Босқичлар, вақти	Фаолият мазмуни	
	Ўқитувчи	талаба
1-босқич. (10- мин.)	<p>1.1. Ўтган дарсда “Сув хўжалигида меҳнат жараёнларини бошқариш” мавзусини вазифа қилиб берилган-лигини эълон қилади.</p> <p>Мавзуни ўрганишда “Инсерт усули” дан фойдаланиб, матнни куйидаги белгилар билан белгилаб чиқиш кераклигини эслатади: (1-илова)</p> <p>(v) - мен билган нарсани тасдиқлайди.</p> <p>(+) – янги маълумот.</p> <p>(?) – мени ўйлантирди. Бу борада менга қўшимча маълумот зарур.</p> <p>Талаба билган нарсани тасдиқлайди, унга нима янги маълумот эканлигини сўрайди.</p>	<p>Эшитади, тайёргарлик кўради.</p> <p>Талабалар топшириқ бўйича ўз фикрларини айтадилар.</p>
2-босқич. (20 мин.)	<p>2.1. Мавзу бўйича талабаларнинг билимларини мустаҳкамлаш мақсадида саволлар беради:</p> <p>-Бошқарув меҳнати ва унинг мазмунини тушунтириб беринг?</p> <p>-Бошқарув меҳнاتини ўзига хос хусусиятлари нимадан иборат?</p> <p>-Меҳнатни рағбатлантиришни такомиллаштириш йўллари нимадан иборат?</p> <p>- Раҳбар ходимларнинг бошқарув меҳнатини баҳолаш деганда нимани тушунасиз?</p> <p>- Сув хўжалиги ташкилотларида бошқарув меҳнатини оқилона ташкил этишнинг асосий йўналишлари нимадан иборат?</p>	<p>Саволларга жавоб берадилар</p>
3-босқич. (40 мин.)	<p>3.1. 9-мавзуни эълон қилади. Режаларини ёздиради.</p> <p>3.2. Ҳар бир режа бўйича тушунча берилади (2-5 иловалар).</p>	<p>Эшитади, ёзиб олади.</p> <p>Тинглайди, ёзиб олади.</p>
4-босқич. Якуний (10 мин.)	<p>4.1 Мазкур мавзу бўйича умумий хулоса қилади ва мустақил ишлаш учун саволлар беради (6-7 иловалар)</p> <p>4.2. Уйга вазифа қилиб Сув хўжалиги ташкилотлари фаолиятини молиялаштириш йўлларини кўрсатиб беришни эълон қилади.</p> <p>4.3.Қоидаларини тушунтириб ўтади</p>	<p>Эшитади, аниқлаштиради.</p> <p>Топшириқни ёзиб олади.</p>

«Сув хўжалигида меҳнат жараёнларини бошқариш»

мавзусини ўрганишда

1-илова

“Инсерт усули” дан фойдаланиш

Матнни белгилаш тизими

- (v) - мен билган нарсани тасдиқлайди.
- (+) – янги маълумот.
- (-) – мен билган нарсага зид.
- (?) – мени ўйлантирди. Бу борада менга қўшимча маълумот зарур.

Инсерт жадвали

Тушунчалар	V	+	-	?
Бошқарув меҳнати				
Меҳнатни рағбатлантириш				
Бошқарув меҳнاتини баҳолаш				
Меҳнат харажатлари				
Технологик жараён				
Шарномавий муносабатлар				
Ижтимоий муносабатлар				
Инсоний муносабатлар				

2-илова

Сув хўжалиги ташкилотларида молиявий менежментнинг моҳияти.

Молиявий менежмент - молиявий ресурслар ҳаракатининг жараёни бўлиб, хўжалик субъектлари ўртасидаги молиявий муносабатларни ва молиявий ресурсларни бошқаришга йўналтирилган.

Молиявий менежмент молиявий механизмнинг асосий воситалари ва усуллари ёрдамида молиявий бошқарув мақсадларини, бу мақсадларнинг белгиланишнинг ўзига хос жиҳатларини субъектда молиявий ресурсларининг шакллантирилиши, тақсимланиши ва бу воситалардан самарали фойдаланилишини ҳамда уларнинг пул маблағларининг айланишидаги ташкилий томонларини акс эттиради.

Молиявий менежмент бошқарув тизими сифатида икки асосий тизимдан иборат бўлади

- бошқарилувчи ёки бошқарув объекти тизими

- бошқарувчи ёки бошқарув субъектларидан

Бозорда ўрин эгаллашга интилувчи субъектнинг менежментида камида учта кетма-кет босқич бажарилишини таъминлаш лозим:

- субъектнинг бозорда ўрнашиб қолиш ва мослашувчанлиги;
- субъектнинг барқарор мувозанатга эришиши;
- субъект ишлаб чиқаришнинг миқдорий ва сифат жиҳатидан ўсишини таъминлаш.

Тадбиркорлик субъектларининг молиявий менежменти тизимида молиявий менежмент тамойилларини ва молиявий таҳлил усуллари асосида бошқарув қарорларини учта асосий тоифага бўлиш мумкин:

- амалдаги ишлаб чиқариш ёки тижорат шартларига тегишли қарорлар, яъни жорий вазифаларни тартибга солиш;
- тадбиркорликка хос молиявий қарорларни қабул қилиш, янги бўлинмаларни ташкил этишга ҳаракат қилиш, янги сармояларни жалб этиш ва янги бозор сегментларини ўзлаштириш;
- янги халқаро шароитдаги даражаларга эришиш учун субъектни стратегик вазифаларининг ташкилий шакли ва мақсадларини ўзгарувчан шароитларга мослаштиришни таъминлайдиган алоҳида қарорлар ишлаб чиқиш.

Хулоса

Молиявий менежерлар субъектнинг ресурсларини бошқариш бўйича барча муҳим қарорларни икки нуқтаи назардан қараб чиқишлари лозим: **биринчидан**, мазкур қарорларнинг молиявий ҳолатга қандай таъсир кўрсатишини таҳлил этиш; **иккинчидан**, таъсисчиларнинг бундай қарорларга бўлган муносабати.

Ҳар қандай шароитда ҳам субъектнинг молиявий менежменти вазибаларида молиялаштириш усулларини танлаб, четдан жалб қилинаётган ресурслар, кредит маблағларини жалб этиш, ички ва ташқи манбаларга асосланган молиялаштириш каби усулларни ўрганиш катта аҳамиятга эга.


Ҳозирги шароитда субъектлар молиявий менежментининг муҳим таркибий элементларидан бири бу молиявий ҳисоботларни тузиш ва шулар асосида молиявий ҳолатни таҳлил қилишдир. Молиявий ҳолатнинг таҳлили нафақат раҳбарлари ва мулкдорлари учун, балки субъект билан иқтисодий муносабатлар тизимининг турли соҳалари бўйича алоқадор бўлган хўжалик субъектларининг молиявий фаолияти учун ҳам муҳимдир.

Назорат саволларига жавоб беринг.

1. Сув хўжалиги ташкилотларида молиявий менежмент деганда нимани тушунасиз?
2. Сув хўжалиги ташкилотларида молиявий менежмент моҳияти ва аҳамияти нимадан иборат?
3. Сув хўжалигини молиялаштиришнинг умумий тамойиллари нималарни ўз ичига олади?
4. Сув хўжалиги ташкилотларининг эксплуатацион фаолиятини молиялаштириш деганда нимани тушунасиз?
5. Сув хўжалиги қурилишини молиялаштириш нималардан иборат?
6. Сув хўжалигининг асосий фондлари нималардан иборат?

1-Тоғширик. Сув хўжалиги ташкилотларида молиявий менежмент қандай амалга оширилади?


“Қандай” схемаси



2-Тоғширик: Сув хўжалиги қурилишини молиялаштиришда вужудга келадиган муаммолар.

“Балиқ скелети” техникаси

Ушбу технология муоммоларнинг ечимини топишга қаратилган. Юқори қисмида ички ва ташқи омиллар тури ёзилса, пастки қисмида мисоллар билан изоҳланади.



3-Топширик: Сув хўжалигининг асосий фондлари нималардан иборат? Сизнинг фикрингиз?

ФСМУ технологияси ёрдамида йўналтирувчи тавсиялар асосида ечинг:

Савол	Сув хўжалигининг асосий фондлари нималардан иборат? Сизнинг фикрингиз?
(Ф)-Фикрингизни баён этинг	
(С)-Фикрингиз баёнига сабаб кўрсатинг	
(М)-Кўрсатган сабабингизни исботловчи мисол келтиринг	
(У)-Фикрингизни умумаштиринг	

ФСМУ технологияси қондаси.

Ушбу технология мунозаралари масалаларни ҳал этишда ҳамда ўқув жараёнининг баҳс-муносабатларини ўтказишда қўлланилади, чунки бу технология талабаларни ўз фикрини ҳимоя қилишга, эркин фикрлаш ўз фикрини бошқаларга ўтказишга, очиқ ҳолда баҳслашишга ҳамда шу билан бирга баҳслашиш маданиятини ўргатади.Тарқатилган оддий қоғозга ўз фикрларини аниқ ва қисқа ҳолатда ифода этиб,тасдиқловчи далиллар ёки инкор фикрларини баён этишга ёрдам беради.